

ФИТРАТНИНГ ИЖТИМОЙ ПУБЛИЦИСТИКАСИДА ТУРКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ҒОЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Сайёра Абдурахимовна ҲАЛИМОВА

доцент

филология фанлари номзоди

Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

sayyorahalimova1971@gmail.com

Аннотация

Мақолада қомусий олим, йирик жаҳид публицисти Абдурауф Фитратнинг 1917–1918 йилда таъсис этилган “Хуррият” газетасида чоп этилган публицистик мақолалари таҳлил этилган. Уларда илгари сурилган муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар, Туркистон мустақиллиги учун кураш ғоялари, ижодкор позицияси, маҳорати газета архив материаллари мисолида ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: мухторият, эрк, большевик, мижмар, шўро жамияти, Европа, Туркистон, съезд, ёш турклар,

АНАЛИЗ ИДЕЙ НЕЗАВИСИМОСТИ ТУРКЕСТАНА В ОБЩЕСТВЕННОЙ ПУБЛИЦИСТИКЕ ФИТРАТА

Сайёра Абдурахимовна ҲАЛИМОВА

доцент

кандидат филологических наук

Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

sayyorahalimova1971@gmail.com

Аннотация

В статье анализируются публицистические материалы, опубликованные в газете «Хуррият», издававшейся в 1917–1918 годах энциклопедистом, выдающимся публицистом Абдурауфом Фитратом. Рассматриваются актуальные общественно-политические вопросы, поднятые в этих статьях, идеи борьбы за независимость Туркестана, а также творческая позиция автора и его публицистическое мастерство. Приводятся примеры публикаций, отражающих дух времени и стремление к свободе.

Ключевые слова: автономия, свобода, большевик, мижмар, советское общество, Европа, Туркестан, съезд, младотурки.

XX аср миллий уйғониш даври жаҳид матбуотида қомусий олим, тилшунос, драматург ва шоир, моҳир публицист Абдурауф Фитратнинг алоҳида ўрни бор. У ўз замонасининг илғор зиёли ёшларидан бири бўлган. 1909–1913 йилларда у Туркиянинг Истамбул шаҳрида таҳсил

олади. Ўша йиллари Туркияда “Ёш турклар инқилоби” юз бериб, Европанинг илғор мамлакатлари каби замонавий маориф, маданият ва ҳуқуқий юксалишлар сари кураш жараёни кечарди. Бу эса Фитрат дунёкарашига кучли таъсир этади ва сиёсий тафаккурини бутунлай ўзгартириб юборади. Ёш публицист Она юрти Туркистонда кечаётган таназзул сабабларини таҳлил ва танқид қилишга киришади. Унинг 1909 йилда Истамбулда “Мунозара” асари нашр этилади. Асар суҳбат-баҳс услубида ёзилган бўлиб, Бухоро амирлигида кечаётган маънавий-маърифий қолоқлик, Русия зулми остидаги кечаётган жаҳолат илдизлари кескин таҳлил этилган. Шу боис ҳам Бухоро амири бу асарни чоп этишни истамайди. Асар форсча ёзилган бўлиб, уни самарқандлик жадид маърифатпарвари Ҳожи Муин ўзбек тилига таржима қилади ва 1911 йилда “Туркистон вилоятининг газети”да чоп этилади. Бу ҳақда буюк жадид раҳнамози Маҳмудхўжа Бехбудий шундай ёзади: “Бу рисола бухорийларни уйғонмоқига боис бўлиб, “Мунозара” муҳарририри раҳмат ила ёд этарлар” [1]. Ҳақиқатан, Фитрат дастлабки ижод намунасидаёқ эрк ва озодлик, маърифат зиёсининг чуқур фалсафий моҳиятини очиб беришга интилан. Унинг руҳидаги эрк исёни умри давомида бутун ижодий меросида ўз ифодасини топган.

Фитрат форс, араб тилларини пухта билган, ёш чоғида “Мижмар”, яъни чўғдон таҳаллуси билан, 1908 йилдан эса “Фитрат” (туғма истеъдод) таҳаллусида ижодини давом эттирган. 1911 йилда унинг Истамбулда “Сайҳа” (чорлов) номли шеърлар тўплами, 1912 йилда эса “Ҳинд сайёҳининг қиссаси” асари форс тилида чоп этилади. У ўз ватанига қайтгач, тараққийпарвар ёшлар сафида Бухоро жадидчилик мактабининг ғоявий раҳнамоларидан бирига айланади. Шу боис ҳам серқирра ижодкор меросида ўз даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид публицистик мақолалари алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан,

1917–1918 йилларда Самарқандда таъсис этилган “Хуррият” газетасида унинг 40 дан зиёд мақолалари чоп этилган. “Юрт қайғуси” рукнида берилган туркум сочма шеърлари Фитрат публицистикасининг шоҳ асарлари ҳисобланади. Бундан ташқари, публицистнинг “Мусулмонлар, ғофил қолманг”, “Биринчи чорамиз”, “Шўрои исломнинг хатоси”, “Мухторият”, “Туркистонда руслар”, “Инглиз ўйинлари”, “Шарқ сиёсати” каби мақолалари Туркистонда ҳукм сураётган мустабидлик, зулм ва зўравонликка қарши кураш руҳи билан суғорилган. Улуғ маърифатпарварнинг “Юрт қайғуси” рукнида берилган биринчи мансураси “Хуррият” газетасининг 1917 йил 28 июль сонидида чоп этилган. Сочмалардан бири шундай бошланади.

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!

Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?

Дунёни “урҳо”лари билан титраткан йўлбарс юракли болаларинг қани?

Ер тупроғини кўкларга учиратурган тоғ гавдали ўғлонларинг қани? Нечун товушлари чиқмайдир? [9].

Муаллиф қалбини залолат ботқоғига ботган мамлакатнинг хон, беклари ўртасидаги ички низолар, тарқоқлик, илмсиз, жаҳолат қаттиқларзага солади. “Ер юзининг буюк салтанатларини сен қурмадингми? Ҳиндистоннинг, Эроннинг, Оврупаннинг улуғ хоқонларини сен юбормадингми? Эй хоқонлар ўчоғи! Эй қаҳрамонлар туғойи (туғилган жойи)! Қани у чақмоқ чақишли ботир хоқонларинг? Қани аввалги ўк юрушли, отли бекларинг? Нечун “урҳо”ларинг эшитилмайдир?”. Жадид намојандасининг айнан мана шундай даъваткор, ватанпарварлик руҳи билан ҳамоҳанг сатрлари туфайли ҳам “Хуррият” газетаси ўз даврининг энг машҳур нашрларидан бири бўлган. Академик Наим Каримов Фитрат ижодини шундай таъриф этади: “Фитрат, Чўлпон сингари, қафас ичида

яшаган булбул эди. У ўзбек драматургияси тарихида қоладиган ўлмас сахна асарларини эмас, балки томошабинларда мустабид тузумга нафрат, ҳур ва эркин ҳаётга муҳаббат уйғотадиган, замондошларида ватан ва миллатнинг мунаввар келажаги учун кураш туйғусини тарбиялайдиган асарларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўйлаймизки, унинг асарлари инқилобий ўзгаришлар даврида шу хайрли ва муқаддас мақсадга хизмат қилди ва ҳамон хизмат қилиб келмоқда” [3]. Дарҳақиқат, уйғоқ нафасли публицистнинг бой мероси миллатнинг эртанги ёруғ кунлари учун чин маънодаги юрт қайғуси эди. Унинг “Темур олдинда” шеърий сочмаси – мансураси буюк соҳибқирон Амир Темур образига мурожаат шаклида ёзилган: “Бағрим ёниқ, юзим қора, кўнглим синиқ, бўйним букук. Сенинг зиёратингга келдим, султоним! Ёзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим, хоқоним!” [10]. Фитрат мамлакатда кечаётган забунлик ва зулмат қутқусидан миллатни қутқаришни истарди. Аммо энг тўғри йўлни топа олмай саволлар гирдобида улуғ соҳибқирон қошига бош уриб боради. “Улуғ хоқоним! Турклик шарафи таланди. Турк учун қўйдиғинг давлат битди, турк остига қурдиғинг хоқонлик ёғийгами кетди. Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг аёғларн остинда қолди. Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи, Турони ёт қўлларга тушди”. “Темур империясининг парчаланишидан кейин Туркистонда 3–4 та кичик хонликлар пайдо бўлди. Булар Бухоро, Хива ва Ҳўқанд (Кўқон) билан шарқда Қашғар давлати эди. Туркистондаги бу хонликларнинг рус истилосига қарши ўзларини етарлича мудофаа қила олмасликларининг энг муҳим сабаби, туркларнинг кучли марказий идорадан бенасиб бўлишлари эди. Хонликлар куч-қувватни ўз халқига зўравонлик қилишда деб биларди” [4]. Бу мамлакат куч-қудратини кундан-кун

заифлаштириб борарди. Фитрат юртнинг бир ўғлони сифатида боболардан мерос қолган омонатга хиёнат қилган ношуд боладек ўзини айблайди. Ва улуғ саркардадан мадад сўрайди: “Сенинг омонатларингга хиёнат ўзим қилдим. Мендан нафрат этма! Эй арслонлар арслони! Меним ёзуқларимдан ўт, Мени қўлимни тут, Белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер! Сенинг дунёга сиғмаган ғайратингга онт ичаманки, Туроннинг эски шараф ва улуғлигини қайтармасдан бурун аёғларингда ўтирмасман”.

1917 йил Октябрь тўнтариши муносабати билан “Хуррият” газетасининг 49-сонида Фитратнинг “Русияда янги бало бош кўтарди – большевик балоси!”, деган башорати эълон қилинди. Публицистнинг 1918 йилда ёзган “Юрт қайғуси” рукнидаги ушбу сочмалари кейинчалик яна давом этган. Жумладан, Фитратнинг 1920 йил 5 октябрда “Бухоро ахбори” газетасида чоп этилган “Тенгиз” тахаллуси билан ёзилган “Юрт қайғуси” публицистик асари алоҳида аҳамиятга эга. Асар 2012 йилда таниқли адабиётшунос олим Сирожиддин Аҳмад томонидан матбуотда эълон қилинган [5]. Унда муаллиф она ва бола диалоги асосида жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга, большевиклар ҳукуматининг манфур қиёфасини очиб ташлашга ҳаракат қилган. Ўғил она қошига келиб, унинг ҳолини сўрайди: “Она! Нечунгина йиғлайсан? Бугун саодатга эришдик, яна қайғурасанми? Бугун ўз тилагингга етишдинг, кўз ёшларингни тўкадирсанми?”. Шунда она бутун вужудини изтироб ва қайғуга солган алам фарёдларини тўкиб сочади:” Оҳ... ўғлум, арслоним! Мустабид ҳукумат уйимни талатди: буюк биноларимни йиқитди: суюкли ўғлонларимни ўлдурди..... Гўзал-гўзал масжидларим кул бўлди. Золимга қарши отилган тўплар маним том юрагимни тешди, у мустабидларга қарши отилгон тўфанлар мани хавфга солди”. Ўғил муштипар она фарёдига тасалли бериб, яхши

кунлар келганлигини, зулм ва эрксиз якун топганлигини англатмоқчи бўлади: “Онажоним! Йиғлама, душманлар маҳв бўлди, у мустабид қон ичувчилар битирилди. Эмди қайғурмоқ чоғи битди, йиғламоқ палласи йўқ бўлди, роҳат кунларинг етишди, онам! Эмди йиғлама. Санинг саодатингни чин кўнгулдан истаб юрғон болаларинг ҳолингни сўрғали келдилар. Тур! Йиғламоқ ўрнида бир оз кул.”. Бу хабардан она бироз таскин топади, аммо ўғлонларини огоҳликка чақиради.” Оҳ, арслон ўғлонларим! Эмди чин суюкли ўғлонларимни қучоғинда ётайин. Оҳ, мен сизни бу кунларим учун етиштирган эдим. Маним эмканиб тарбия қилғон чоқларимни эсингиздан чиқармайсиз”. Публицистнинг “Бухорининг холи”, “Бухорода инқилоб” мақолаларида ҳам халқининг оғир аҳволи таҳлил этилган. 1917 йил ноябрда Қўқонда Туркистон Мухторияти эълон қилинди. Бу пайт Фитрат Самарқандда бўлса-да, у ҳам аъзо этиб сайланди. Бу хушхабарни у “Лайлатур-қадр кечаси” дея қутлаб, ўз газетасининг 1917 йил 5 декабрь сонида “Туркистон Мухторияти” номли мақола эълон қилди: “Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопланли, еримиз босилди, таланди, шарафимиз емирилди, номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлиғимиз оёқлар остига олинди – тузумли турдик, сабт этдук. Кучга таянган ҳар буйруға бўйсундук, бутун борлиғимизни қўлдан бердук. Ёлғиз бир фикрни бермадик, яшинтурдик, иймонимизга ўраб сақладук, Туркистон мухторияти!” [11]. Мақолада у улуғ соҳибқирон Амир Темурнинг чин ўғлонлари бирлашиб, Туркистон Мухторияти эълон қилганлигидан қувонади. Айни пайтда ўқувчини дарҳол хушёрликка чақиради. “Бир миллатнинг мухторияти ёлғуз бир сьезднинг эълони билан тамом бўлмас. Мухториятни олмоқ ва сақламоқ керакдур. Сьезд ўз ишини қилди. Қолғанлари бутун миллатнинг вазифасидир. Мухториятни

сақламоқ учун куч лозим. Мухториятни бажармоқ учун акча керакдур” [12]. Ҳақиқатан, Мухторият эълон қилингани билан 72 кунда яксон этилди. Миллат ўз ҳуқуқи ва давлатини сақлаб қололмади. Айниқса, у “Шўрои ислом” жамиятининг энг зарур пайтда йўл қўйган хатоларини танқид қилади. Ажаб, “Шўро жамияти” нечун шуни тушунмайди... Шўро бу масалани тушунмаган бўлса, миллатнинг ўзи тушуниши ва ортиқ қайси номер рўйхатга товуш (қайси партияга овоз) бермак керак едигини тайин этсун”. Халқда сиёсий маданият ва тушунчанинг йўқлиги, жаидлар ва уламолар ўртасида нифок охир-оқибат большевиклар томонидан ҳукуматни қўлга олинишига сабаб бўлди. Фитрат шу оғир лаҳзаларда “Хуррият” газетасининг 1918 йил, 63-64-сонларида босилган “Туркистонда руслар” деб номланган мақоласини эълон қилади. Туркистон Мухторияти большевиклар билан ҳамкорликда ишлаётганлиги Фитратни хайратлантиради. Туркистонга руслар келиши билан хайрли бирор иш йўлга қўйилмаганлигини мисоллар таҳлилида очиб беришга ҳаракат қилади: “Рус капиталистлари билан рус пўпларининг содиқ ва ишончли қоровуллари бўлган эски Русия ҳукумати элли(к) йил орасида, Туркистондаги турк болаларининг фойдалариға бирор иш кўрдими, кўрмоқчи бўлдими?”. 1917 йил 7 апрелдан 15 апрелгача Тошкентда ишчи ва солдат депутатларининг I курултойи бўлиб ўтди. Унда катнашган 263 нафар депутатнинг деярли барчаси Европа миллатларига мансуб вакиллар эди. Курултойда солдат кўмитасидан вакил бўлиб қатнашган С. Юсупов ушбу йиғинга туб аҳоли вакиллари таклиф этилмаганлигидан афсусланиб, ҳокимиятни бўлиш хақидаги таклифга қарши чиққан. У қандай шаклда бўлмасин, Туркистонда рус ва мусулмон назорати остида ягона ҳокимият тузиш таклифини илгари сурган [8]. Бундан Фитрат хавотирга туша бошлайди. Руслар ҳеч қачон маҳаллий аҳоли манфаатлари учун қайғурмаган. Бу

ҳақда муаллиф шундай ёзади: “Бизнинг диний ва миллий ҳиссиётларимизни ўлдурмак тилаги билан Ўстраумов каби мутаассиб пўпларнинг идорасинда газит чиқарилди, мактаб очилди, лекин ўз миллатимиз ва диёнатимизни онглатмоқ учун ўз тарафимиздан очилган мактаблар ва газитлар боғланди, шаръий маҳкамаларимизнинг ҳуқуқ ва салоҳиятларидан буюк бир қисми ғасб этилди”. Рус босқинидан ўтган 50 йил давомида Туркистон мусулмонларининг бутун ҳуқуқи поймол этилди. Маҳаллий аҳолига паст назар билан қаралди: “Маҳкамаларда, уйларда, йўлларда, тижорий ишларда, ҳатто вагон арбаларинда Туркистон ерлисининг ҳуқуқи Туркистон мусофири бўлган рус ва арманидан тубанда тutilди”. Фитрат ҳар қандай вазиятда ҳам Туркистон Мухториятини мустақил бўлишга, европаликлар, руслар кўмагидан мадад олмасликка чақиради. Рус ҳукуматиға содиқ қолишлик ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ўз қўли билан бой бериш эканлигидан қаттиқ изтироб чекади. “Элли(к) йилда(н) бери шундайин ҳақсизликлар ва зулмлар орасида бўғулиб келган Туркистон букун ўз мухториятини Хўқандда эълон қилди. Хўқандда ижтимоъ этган Туркистоннинг тўртинчи курултойи ўз баённомасинда “Федаратса асосига курулган Русия жумҳурияти ила бирликда қолгани ҳолда Туркистон мухторияти” деган сўзни ёзиб, Рус ҳукуматиға содиқ қолдиғини билдурди”. Хулоса шуки, Фитрат бошқа жаҳид маърифатпарварларидан фарқли ўларок, умрининг охиригача рус ҳукумати кўмагида мустабидлик сиёсатини кўрди. Улар билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиш истагидан йироқ бўлди.

Жаҳид адабиёти ва публицистикасини халқимизга қайтаришда фидойилик қилган беназир мунаққид Озод Шарафиддинов “Фитратга оид мақолада бу улуғ мутафаккирнинг биргина асари “Ҳинд сайёҳи” таҳлили орқали адибнинг миллат, тарих олдидаги буюк хизмати устида гап боради; мазкур асар ўз даврида жаҳидчилик ҳаракатининг дастури -

манифести бўлганлиги таъкидланади” [7]. Улуғ маърифатпарвар “Инглиз ўйинлари” , “Инглиз ва Туркистон”, “Афғонистон ишлари”, “Афғон ва инглиз сулҳи”, “Шарқ сиёсати” каби мақолаларида ҳам дунё майдонини забт этишга интилаётган империалистик кучларнинг мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ фош қилади. Жумладан, “Шарқ сиёсати” мақоласида ёзади: “Уларнинг тилаклари бизга маданият бериб, бизда маориф тарқатиш, бизни тараққий эттириш эмас, турли фоҳишахоналар, майхоналар очиб, бизнинг ахлоқимизни бузмоқ, бизнинг соғлиғимизни хароб этмоқ ва уруғимизни қуритиб, бизни ишдан чиқармоқ ва қўлларига муҳтож қилиб қўймоқдир. Улар шарқ халқини бутун йўқ қилиб, Шарқни ўзларига моя (сармоя) қилмоқчи эрурлар” [2]. Ҳақиқатан, инглизлар ҳам руслар ҳам ҳамisha Туркистонни ўзлари учун сармоя, бойлик манбаига, хом-ашё базасига айлантириш истагида бўлган. Фитрат миллатдошларига бу ҳақиқатни аңлатмоқ учун ўз асарлари ва публицистик мақолаларида ҳамisha миллий мустақиллик учун кураш, эрк исёнига тўла умумбашарий ғояларини илгари сурган. Фитратшунос олим, профессор Ҳамидулла Болтабоев ҳақли таъкидлаганидек: “XX аср бошларида Фитратнинг улкан истеъдоди ва заковати туфайли яратилган асарларини ҳеч бўлмаганда янги аср бўсағасида халққа қайтариш ўзбек зиёлиларининг бурчидир” [6]. Шунингдек, демократик руҳдаги ўзбек миллий журналистикасини шаклланишида ҳам буюк истеъдодли публицистнинг беқиёс хизмати бор. Бу бой меросни, тажриба мактабини ёш авлодларга етказиш ватанпарвар, маърифатли жамият барпо этишда бебаҳо хазина ҳисобланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бехбудий, Маҳмудхўжа. Мунозара ҳақида //Туркистон вилоятининг газети-1911 йил, 29 сентябрь, 73-сон.

2. “Иштирокиюн” газетаси, 1919 йил, 25-26 сентябрь.
3. Каримов Н. XX аср адабиёти манзараси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
4. Ульжаева Ш. Ўзбекистон тарихи. История узбекистана. history of ..<https://www.facebook.com> › groups › posts
5. Фитрат, Абдурауф. Юрт қайғуси (она билан ўғил)
[ziyouz.uzhttps://ziyouz.uz](https://ziyouz.uz) › [ozbek-nasri](https://ziyouz.uz)
6. Фитрат, Абдурауф. Жадид адабиёти намояндалари. – Тошкент: Забаржад медиа, 2022.
7. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004.
8. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистан совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2009.
9. “Хуррият” газетаси, 1917 йил, 28 июль.
- 10.«Хуррият» газетасининг 1917 йил 31 октябрь 47-сони.
- 11.«Хуррият» газетаси, 1917, 49-сон.
12. “Хуррият” газетаси, 1917 йил, 5 декабрь.